

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг
«Maxsus avtokorxonа» давлат муассасаси томонидан автотранспорт хизматини
кўрсатиш тўғрисида**

№ 4-сон ШАРТНОМА

2022 й. «10» 01

Тошкент ш.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Maxsus avtokorxonа» давлат муассасаси номидан Уставга асосан иш кўрувчи директор *Олим Бердиевич Ташанов* (кейинчалик - Автокорхона деб юритилади) бир томондан ва «Toshkent» teleradiokanali» давлат муассасаси номидан Уставга асосан иш кўрувчи директор уринбосари С.Рахмонов (кейинчалик - «Буюртмачи деб юритилади) иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартноманинг предмети ва шартлари

1.1. Мазкур шартнома бўйича Автокорхона Буюртмачига буюртмаси асосида автотранспорт хизматлари (кейинчалик - Хизматлар) кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Хизматларнинг турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.2. Автокорхона Буюртмачининг буюртмаси асосида Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятида ва бошқа вилоятларда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун автотранспорт хизматларини кўрсатишни таъминлайди.

1.3. Автокорхона автотранспорт хизмати кўрсатиш учун Буюртмачи билан келишган ҳолда, унинг ойлик, чорак ва йиллик иш режаларидан келиб чиқиб Буюртмачининг буюртмаси асосида олдиндан автотранспорт воситалари сонини режалаштиради.

Автокорхона режадан ташқари оператив автотранспорт хизмати кўрсатиши мумкин, бунда у Буюртмачи билан келишган ҳолда, унинг буюртмасига асосан автотранспорт воситаларини оператив равишда ажратади.

1.4. Автокорхона Буюртмачига хизмат кўрсатувчи автотранспорт воситаларини техник соз, тоза ва етарли ёқилги маҳсулоти билан таъминланган ҳолатда беради.

1.5. Тошкент вилоятига ва бошқа вилоятларга хизмат сафарига чиқадиган автомобиллар Буюртмачи учун хизмат кўрсатишга режалаштирилган автомобиллар таркибидан ажратилади.

Автокорхона томонидан ажратилган автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб Буюртмачи билан келишилган ҳолда бошқа автотранспорт билан алмаштирилиши мумкин.

1.6. Буюртмачи томонидан Автокорхона билан бевосита ишлайдиган масъул ходим ажратилади.

Буюртмачининг масъул ходими ҳар куни соат 16.00 гача кейинги кун учун ўрнатилган тартибда ёзма равишда автотранспорт воситаларини ажратиш тўғрисида Автокорхонага тегишли буюртма беради. Буюртмачи Автокорхонадан буюртмачи манзилига боришдаги 30 минут ҳамда қайтишдаги 30 минутлик йўл учун ҳақ тўлайди.

Хизмат сафари 10 кунгача бўлган муддатга доир буюртмалар камида 3 кун, 10 кундан ортиқ муддатга бўлган буюртмалар камида 7 кун олдин (дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олмаган ҳолда) берилади, оператив топшириқлар асосида бериладиган буюртмалар бундан мустасно.

Хизмат сафарига бўлган кунларида хайдовчиларнинг иш вақти 12 соатлик иш кунига тенглаштирилади.

Бир кунлик хизмат сафарлари ҳақиқий ишланган вақт асосида расмийлаштирилади.

Дам олиш (шанба, якшанба) ва байрам кунларига буюртмалар Буюртмачи томонидан 2 кун олдин берилади.

1.7. Буюртмачининг масъул ходими ҳар куни:

кўрсатилган хизматлар учун автотранспорт воситаларининг ўрнатилган тартибда расмийлаштиради;

расмийлаштирилган (имзоланган ва махсус штамп босилган) йўл варақаларини Автокорхонага тақдим этади.

1.8. Ишлаб чиқариш зарурияти билан Буюртмачи автотранспорт воситасининг «йўл варақаси»даги иш соатини узайтириши мумкин.

Бунда Буюртмачининг масъул ходими телефон орқали Автокорхонанинг эксплуатация бўлимини огоҳлантиради ва тегишли равишда рухсат олади.

1.9 Буюртмачи буюртма асосида олинган автотранспорт воситаси йўл варақасининг «Буюртмачи талони» қисмига унинг хизмат курсатишга келган ҳамда хизмат кўрсатиш тугагандан сўнг автотранспорт воситасини Автокорхонага қайтган вақтларини спидометр кўрсаткичидаги маълумотларни ёзма белгилайди.

Буюртмачини масъул ходими автотранспорт воситаси йўл варақасининг «Буюртмачи талони» қисмини тўлдиришда автотранспорт воситасидан бевосита фойдаланган шахсни фамилияси, исми, лавозимини кўрсатган ҳолда ўрнатилган тартибда расмийлаштиради.

1.10. Буюртмачининг буюртмасига асосан юк ташиш учун олинган автотранспорт воситаларига юк ортиш, тушириш, юкларни кузатиш, юкка тегишли бўлган барча ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Автокорхонадан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ автотранспорт билан таъминлашни талаб қилиш;

Автокорхонадан мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқ кўрсатиладиган автотранспорт хизматини тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини ўрнатилган тартибда Автокорхонадан талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Буюртмачи буюртма асосида чиққан автотранспорт воситаларининг йўл варақаларини ўз вақтида расмийлаштириш;

Ўз буюртмаси бўйича кўрсатилган автотранспорт хизматларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

автотранспорт хизматларига мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, кўрсатилган автотранспорт хизматларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

Буюртмачининг молиялаштирилиши бирор сабабларга кўра кечиктирилган холлари бундан мустасно.

2.3. Автокорхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Буюртмачидан талаб қилиш;

берилган буюртмага мувофиқ кўрсатилган автотранспорт хизматларини қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини Буюртмачидан талаб қилиш.

2.4. Автокорхона қуйидагиларга мажбур:

Буюртмачига автотранспорт хизматларини юборган буютмалари асосида транспорт воситалари билан таъминлаш ва сифатли хизмат кўрсатиш;

агар автотранспорт хизматларини кўрсатиш жараёнида Автокорхона шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни ўзаро келишилган ҳолда ҳал қилиш.

III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси транспорт харажатлари учун ажратилган ва ўрнатилган тартибда вақтинчалик сметага мувофиқ, яъни 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача бўлган даврга *291 213 000 (Икки юз туксон бир миллион икки юз ун уч минг)* сўм ҚҚС ташкил қилади.

Жумладан:

а) Бюджетдан *74 913 000 (Етмиш турт миллион туккиз юз ун уч минг)* сўм ҚҚС ташкил қилади.

б) Бюджетдан ташқари *216 300 000 (икки юз ун олти миллион уч юз минг)* сўм ҚҚС ташкил қилади.

Автотранспорт хизматлари Буюртмачининг берадиган буюртмасига ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланган транспорт хизмати тарифларидан келиб чиқиб белгиланади.

Автокорхона томонидан кўрсатиладиган автотранспорт хизматларининг тарифи мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Жорий ой учун тўлов ушбу ойнинг 10-санасигача ойлик тўлов қийматининг 30% (фоизи) микдоригаги аванс сифатида Автокорхонанинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қолган ҳар ойлик тўловнинг 70% (фоизи) келгуси ойда тегишлилиги бўйича имзоланадиган ҳисоб варақаси бўйича Автокорхонанинг ҳисобига ўтказилади.

Ушбу бандда кўрсатилган маблағлар тегишлилиги бўйича молиялаштириш очилгандан сўнг Буюртмачи томонидан Автокорхонанинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.3 Тасдиқланган тарифларга нисбатан ёқилги-мойлаш маҳсулотлари нархи ошган тақдирда, Буюртмачи Автокорхона томонидан тақдим этилган асословчи ҳужжатлар асосида ёқилги-мойлаш маҳсулотлари нархидаги фарқни тўлаб беради. *(Бунда, Буюртмачига Автокорхона томонидан ёқилги-мойлаш маҳсулотларининг ҳақиқий сарфи тўғрисида маълумот ҳамда ёқилги-мойлаш маҳсулотларини етказиб берувчиси билан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура нусخаси тақдим этилиши зарур).*

3.4 Буюртмачининг буюртмасига асосан Автокорхона томонидан ажратилган Газель (ГАЗ 330214) автомашинаси базасида жихозланган KIPOR (KD30SS3) дизель генератори ҳамда КАМАЗ ПСС автоқўтаргич учун буюртмачи фойдаланилган ҳар бир мото соат учун тасдиқланган тариф асосида алоҳида ҳақ тўлайди.

IV. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Кўрсатилган автотранспорт хизматлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун ҳақ тўлаш бўйича Буюртмачи мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Буюртмачи муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган автотранспорт хизматларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Буюртмачи илгари берилган автотранспорт хизматлари кўрсатиш учун берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд автотранспорт хизматларининг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда Автокорхонани буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

4.6. Шартномада назарда тутилган автотранспорт хизматларини кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг буюртмасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда ушбу шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Автотранспорт хизматларини кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларни Автокорхона томонидан бажарилишини рад этганлиги учун Буюртмачига кўрсатилиши керак бўлган автотранспорт бир кунлик хизматларининг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Автотранспорт хизматларини кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда Автокорхона Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган автотранспорт хизматларини қийматини 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши Автокорхонани мазкур шартномани зарур тарзда бажаришдан озод этмайди.

5.3. Автокорхона томонидан кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Буюртмачи Автокорхонага муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.5. Буюртмачи телерадиомаҳсулотлар тайёрлаш ёки бошқа ишлаб чиқариш объектига чиққан автотранспорт воситаси бўйича буюртмани бекор қилса, айнан шу буюртма бўйича келишилган автотранспорт хизмати тўловининг 10 % миқдориди тўлов билан бирга автотранспорт объектга бориб келишига кетган вақтни ва ёкилги маҳсулотлари харажатларини ҳисобга олган тўловни Автокорхонага қоплаб беради.

Ҳукумат томонидан бекор қилинган тадбирлар асосидаги буюртмалар бундан истисно.

Автокорхона автотранспортни Буюртмачининг буюртмасига асосан белгиланган вақтга телерадиомаҳсулотлар тайёрлаш ёки бошқа ишлаб чиқариш объектига тақдим этмаган ҳолларда айнан шу буюртма бўйича келишилган автотранспорт хизмати тўловининг 10 % миқдориди Буюртмачига тўлов тўлайди.

Томонларни бевосита ихтиёридан келиб чиқмаган ҳоллар бундан мустасно.

Агар кўрсатилган автотранспорт хизматларини сифати стандарт, техник шартлар талабларига ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда,

Автокорхона сифати зарур даражада бўлмай кўрсатилган автотранспорт хизматлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

VI. Низоларни хал этиш тартиби

6.1. Келишмовчиликлар ва низоло масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси иштирокида уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ўзаро хал этилишига эришмаганда уларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. Шартноманинг амал қилиши

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил 1 январдан бошлаб амалга киради ва 2022 йил 31 мартгача бўлган муддатга кадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«TOSHKENT» БУЮРТМАШИ DM
100011 Toshkent sh., Navoiy ko'chasi 69-uy. Tel: 71 214-13-51
Sh/h.r. 1000 1686 0262 7770 8420 0137 005
«Toshkent» teleradiokanali»
O'zbekiston Davlat Muassasasi
G'aznachiligi amaliyot boshqarmasi
H/r 2340 2000 3001 0000 1010
Toshkent sh. HQM Markaziy bank bosh boshqarmasi
MFO: 00014 STIR: 201 122 919

«TOSHKENT» TELERADIOKANAL» DM
100011 Toshkent sh., Navoiy ko'chasi 69-uy. Tel: 71 214-13-51
Sh/h.r. 400 110 860 262 777 084 200 137 010
STIR: 206 018 647 OKED: 60200
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi
G'aznachiligi amaliyot boshqarmasi
H/r 2340 2000 3001 0000 1010
Toshkent sh. HQM Markaziy bank bosh boshqarmasi
MFO: 00014 STIR: 201 122 919

Автокорхона

ЎзМТРК «Maxsus avtokorxonа»
давлат муассасаси

Учтепа тумани, Ю.Саккокий к.,17.
ОАТ «Алокабанк» амалиёт
бошқармаси,
Х/р 20210000300119058001
МФО 00401
ИНН 201203373, ОКЭД 49410

Директор уринбосари

М.У.



С.Рахмонов



О.Б.Ташанов

YURIDIK
XULOSA



"Toshkent" телерадиоканалининг буюртмасига асосан "Махсус автокорхона" ДМ томонидан ажратилган автоуловлар хизматининг 2022 йил 1 чорак учун ҳисоби.

01.01.2022дан

Машина маркаси	машина сони	куни	бир кунлик соати	бир ойлик соати	бир чорак учун соат	бир соатлик тариф (сўм)	бир ойлик маблағ (минг сўм)	бир чорак учун маблағ (минг сўм)
Нексия 3	2	24	9	432	1296	58 405	25 231	75 693
Дамас	3	24	9	648	1944	55 490	35 958	107 873
Lada Largus	2	16	6,1	195,63	586,8864	59 868	11 712	35 136
Эпика	1	26	12	312	936	77 470	24 171	72 512
хаммаси:	8		36	1 588	4 763		97 071	291 213

12.01.2022 й. Имзоланган 4 сон шартноманинг умумий баҳоси 291 213 минг сўм ққс билан, шу жумлдан: бюджет маблағлари ҳисобидан 74 913 минг сўм ққс билан, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 216 300 минг сўм ққс билан.